



60

ёшингиз

муборак

бўлсин!



Хурматли Абдукарим Атхамович!

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти (ҚХМИТИ) жамоаси Сизни қутлуг айёмингиз – таваллуд кунингизнинг 60 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.

Биз Сиздек меҳнатсевар, жонқуяр, софдил, етук олим билан ҳамкасб бўлиб ҳамкорликда ишлаётганлигимиздан фахрланамиз!

Мана бугун Сизнинг илмий ва жамоатчилик фаолиятингизга 38 йил тўлди. Сиз институтимизда муҳандис-конструктор, илмий ходим, илмий-тадқиқот ишларини режалаштириш ва йўналтириш бўлими раҳбари, катта илмий ходим лавозимларида ишладингиз. Институт қошидаги техника фанлари доктори илмий даражасини берувчи ихтисослашган кенгашнинг илмий котиби сифатида фаолият юритдингиз.

Биз Сизни, Абдукарим Атхамович, ишчан ва қалами ўткир етакчи олим сифатида биламиз. Сизнинг илмий маҳоратингиз, фанга садоқатингиз, шунингдек қишлоқ хўжалик фанининг долзарб муаммоларини кўйиш ва ечишдаги фаоллигингиз кўпчиликка намуна бўла олади.

Сизнинг илмий иштирокингизда яратилган бегона ўтларга қарши кураиш, уруғларни аниқ экиш, ўғитлаш, дон экиш йўналишидаги бир қатор техника воситалари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўлланилмоқда. Универсал пневмомеханик ва майда уруғли сабзавот экинлари уругини экадиган сеялкалар, гўза қатор ораларига донни қаторлаб экадиган ва бугдойдан бўшаган ерларга минимал ишлов бериб, бирйўла такрорий экинлар уругини экадиган комбинациялашган агрегатлар каби машиналар эса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этилиш арафасида. Сизнинг қаламингиз билан чоп этилган 45 дан ортиқ илмий мақолалар, тавсияномалар ва илмий ихтиролар Сиз доимо янгиликка интилишингиз, ижодий изланишдан чарчамаслигингиз далолатидир.

Абдукарим Атхамович, Сизнинг қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасидаги ва ёш олимларга илмий йўл-йўриқлар кўрсатиб, раҳнамолик қилишдаги катта хизматларингизни ҚХМИТИ жамоаси аъзолари қадрлайди ва хурмат билан тилга олади.

Қадрли Абдукарим Атхамович!

Ушбу қутлуг айёмингиз кунда умид қиламизки, қишлоқ хўжалигини механизациялаш соҳасидаги ўз тажриба ва билимингиз билан сафимизда яна кўп йиллар давомида ижод қиласиз. Сизни яна бир бор бугунги байрамингиз билан муборакбод этиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий бахт, барча орзу-ниятларингиз рўёбга чиқишини тилаб қоламиз.

ҚХМИТИ жамоаси номидан:

Директор

Касаба кўмитаси раиси

Б.Хушвақтов

С.Мўминов